



**Муборак тумани халқ таълими бошқармасига қарашли 24-сонли мактаб актив залини
 қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1.	Хизматлар рўйхати:	Муборак туман халқ таълими бошқармаси буюртмачилиги асосида бино ва иншоотларда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини ўрнатилган тартибда банк назорат ўлчовидан ўтказиш
2.	Объект номи:	Муборак туман халқ таълими бошқармаси буюртмачилиги асосида бино ва иншоотларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари
3.	Объект жойлашган манзил:	Қашқадарё вилояти Муборак тумани Самарқанд кучаси
4.	Буюртмачи:	Муборак туман халқ таълими бошқармаси
5.	Молиялаштириш манбаи:	Маҳаллий бюджет маблағлари
6.	Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати:	Объектда амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати икки юз миллион (ҚҚСни ҳисобга олинган ҳолда)
7.	Объектда тугалланган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказишга қўйиладиган талаблар:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Объектда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг амалда бажарилган қиймати ва бажарилган иш учун тўланган ва тақдим этилган нархларни текшириш. 2. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган хусусиятларига ва мақсадларига мувофиқлигини текшириш. 3. Қабул қилиш актларида кўрсатиб ўтилган ҳажмларни амалда бажарилганлигини ва объектни фойдаланишга тайёрлигини аниқлаш. 4. Объектда ишлатилган қурилиш материаллари ва буюмларнинг яширин иш далолатномалари, ижро чизмалари, муаллифлик назорати журнали ва юк хатларида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш. 5. Назорат ўлчовини техник хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга ошириш. 6. Назорат ўлчовини тўғридан-тўғри объектга ташриф буюриш ва ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш. 7. Қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчовини амалга оширишда қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан, шу жумладан,

		Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг меъёрий ҳужжатларидан фойдаланиш.
8.	Ҳужжатлар таркиби(буюртмачи томонидан тақдим этилади):	Лойиҳа-смета ҳужжатлари (ПСД), бажарилган ишлар далолатномалари, такқослаш варақаси ва ташкилотнинг талабларига биноан назорат ўлчовларини амалга ошириш учун бошқа ҳужжатлар.
9.	Объектда назорат ўлчовини ўтказиш муддати:	Олдиндан тўлов (бўнак) амалга оширилган кундан бошлаб 30 календарь куни.
10.	Ишларни тугатганда ва топшираётгандабуюртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар:	Объектда назорат ўлчовини ўтказилгани бўйича тайёрланган хулоса, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура.
11.	Назорат ўлчови бўйича тайёрланган хулосага қўйиладиган талаблар:	<p>Назорат ўлчовлари натижалари бўйича тақдим этиладиган хулосага қуйидагилар кирази:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тугалланган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида ҳисобот; - тугалланган қурилиш-монтаж ишларини фотосуратлари; - тугалланган қурилиш-монтаж ишларини асбоб-ускуналар воситасида ўлчаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар; - амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ҳисоблаш; - амалага оширилган ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш; - қурилиш-монтаж ишлари пудратчиси томонидан тақдим этилган ижро ҳужжатлари сифатини, унга шарҳларни кўрсатган ҳолда баҳолаш; - смета нормативлари асосида шартнома, лойиҳа ва ижро ҳужжатларида келтирилган ҳақиқатда бажарилган ишларни баҳолаш; - смета нормативлари асосида шартнома ва лойиҳа ҳужжатларида келтирилган ишларни баҳолаш.

МХТБ бош ҳисобчиси

МХТБ шартнома бўлими ҳисобчиси

МТЭХБ бошлиғи

МХТБ бош мутахассиси

МХТБ мутахассиси



Н.Бозоров

Р.Бобобеков

Р.Неъматов

С.Рашидов

К.Тураев